

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2022 ЙИЛ МАРТ

ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр
2022 йил март ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
Қ.Ш.Омонов	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа	И.С.Саифназаров
Н.А.Ҳусанов	Н.Х.Обломуродов
	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

МУНДАРИЖА

Иқтисод

Т.Н.ПАРДАЕВ, Ф.Ф.ФАРХОДОВ. Иқтисодий интеграциянинг чуқурлашуви шароитида божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш йўллари.....	3
--	---

Юридик

Н.А.КУЛДАШЕВ, М.Х.БАРАТОВ. Ўзбекистонда жамоат қавфсизлиги соҳасида давлат-хусусий шериклик: таъкил этиш ва такомиллаштириш... 14	
Ж.А.НБРОҲИМОВ. Террорчилик хусусиятига эга жиноятлар ва уларнинг турдош жиноятлардан фаркли жиҳатлари: илмий-назарий таҳлил.....	26

Филология

Ҳ.ҲАМРОЕВА. Ўзбек болалар фольклор рақсларининг лингводидактик хусусиятлари.....	38
Ф.ОЛИМОВ. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да тил, ифода ва тасвир.....	47
М.Э.АХМЕДОВА. Олий таълим дарслик ва қўлланмаларида ўқув топшириқлари таъкил ва қўлланилиши.....	58
Н.Д.ХОЛШКОВА. Эволюция женского образа в лиро-эпических произведениях.....	72
С.А.МҮМИНОВА. Ўроз Ҳайдар шеърини поэтикаси.....	80
Ў.АБДУНАЗАРОВ. Носир Ҳозиловнинг “Қуш қаноти билан...” кинесасида давр фойзаси, шахс қисмати тасвири.....	88
Н.НАЗАРОВА. Сирожиддин Саййид ижодида инсон маънавияти муаммолари.....	97
О.НАНОРҚУЛОВА. Айрим халқ оғзаки ижоди манбаларида ота концептига доир мисоллар таъкили.....	105
Ш.Б.ГУЛЯМОВА. Монологик дискурсининг бадиий маънада қўлланилиши.....	115
Д.Х.ТАШТУЛОВА. Афоризмларни миллий корпус учун танлаш тамойиллари.....	123
К.Ш.АЛАУТДИНОВА. Логистика соҳасига оид терминларнинг этимологияк ва махсус луғатларда берилиши.....	130
Қ.МАМИРАЛИЕВ. Истиқлол даври ўзбек шеъринида индивидуал жанрлар.....	141
Н.И.ХУРСАНОВ. Ўзбек ва инглиз драмаларида қўлланилган стилистик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.....	149

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАРИДА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ТАДҚИҚ ВА ҚЎЛЛаниЛИШИ

Малоҳат Эргашевна АХМЕДОВА

доцент

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида ўқув топшириқларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати, топшириқ турлари, савол ва топшириқларнинг вазифавий фарқланишлари, машқларнинг она тили, давлат тили ўқитиш методикаларидаги ўрни, тузилган ўқув топшириқларининг танланган мазму, шунингдек таълим мақсадига мослиги, бўлажак мутахассисларнинг топшириқ тузиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқиш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: ишлаш, кўникма ва малакалар, машқ турлари, ўқув топшириқларининг аҳамияти.

ИССЛЕДОВАНИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ УЧЕБНЫХ ПОСОБИЙ В УЧЕБНИКАХ И ПОСОБИЯХ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Малоҳат Эргашевна АХМЕДОВА

доцент

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается современное состояние использования учебных пособий в системе высшего образования, типы заданий, различия в задачах вопросов и заданий, роль упражнений в методах преподавания родного языка, выбранная тема структурированных учебных пособий, а также совместимость образовательных целей, развитие системы навыков и умений.

Ключевые слова: высшее образование, учебное задание, упражнение, вопросы, работа над текстом, навыки и квалификации, виды упражнений, важность учебных заданий.

Филологик олий таълим тизимида анъанавий дарс машғулотлари талабалар, хусусан, бўлажак мутахассисларга билим бериш, ўқув топшириқлари орқали маълумотларни ёдлаш, турли манбалардан олинган жумлаларни лингвистик таҳлил қилишга мўлжалланган. Бу эса бугунги замон талабларига мос келмай қолмоқда. Ҳаёт инсоният олдида турли муаммоларни қўяди, ҳар бир киши уни мустакил ҳал қила олин қобилиятига эга бўлиши

керак. Шу маънода педагогикада муаммоли таълим технологияси жорий қилинди. Муаммога асосланган таълимда ўқув топшириқларидан асосан, савол ва топшириқларнинг муҳим ўрни бор. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи билимларни тайёр шаклда етказмайди, балки ўқитувчи томонидан савол ёки топшириқ шаклида муаммоли вазифалар қўйилади, машғулотни ташкил этувчи уларни ҳал қилиш йўллари ва воситаларини излашга ундайди. Бу ҳам, албатта, савол ва топшириқлар орқали амалга оширилади. Машқлар эса уни ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида ақлий ёки амалий ҳаракатни таврор-таврор бажариш демакдир. Бу жараёнда ўз ўрни билан машқлар ҳам иштирок этади. Олий таълим дарслик ва қўлланмаларида ўқув топшириқларининг қўлланилишини мунтазам деб бўлмайди, кейинги йилларда яратилган дарслик ва қўлланмалар ўқув топшириқлари асосида яратила бошлади.

Масалан, Х.Жамолхонов томонидан нашр қилинган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида мавзулар сўнгида савол ва топшириқлар келтирилган [1; 310]. 2000 йилга қадар олий филологик таълим учун яратилган ўқув адабиётларида ўқув топшириқлари деярли учрамайди. Масалан, У.Турсунов, А.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг 1992 йил чоп этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида умуман ўқув топшириқлари берилмаган. Бунда ўқув топшириқларини бажаришда талабаларнинг мустакиллик даражасига эътибор берилади: – билишни, маълумотни қўпайтириш учун мақсус топшириқлар ҳам берилади; – билимларни турли нутқ вазиятларида қўллашга ўргатувчи машқ ва топшириқлар ҳам барабар қўлланилади. Она тили таълимида ўқув топшириқларини такомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиб, унда қуйидаги лингводидактик талаблар бажарилса, ўқув топшириғи замон талабига мос ва самарали бўлади: 1) бир ўқув топшириғини бажариш асосида бир нечта нутқий қўнишмани ривожлантира олиш имкониятига эга бўлиши; 2) талабаларнинг ўқув топшириқларини амалга оширишга оғли ёндашиши, бажаришда дидактик кетма-кетликка риоя қилиши; 3) ўқув топшириқларини замонавий ахборот манбаларидан топиш

учун сунъий интеллект билан тўғри мулоқот қила олиши; 4) ўқув луғатларидан мавзу доирасида унумли фойдалана олиши. Тақомиллаштирилган ўқув топшириқлари муаммони ўқитишнинг қуйидаги асосий психологик-педагогик мақсадларига мувофиқ келиши керак: 5) талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга; 6) талабаларнинг фаол ивланиш ва мустакил масалалар ечиш жараёнида олган билим ва кўникмаларини ўзлаштиришлари, натижада бу билим ва кўникмалар анъанавий машғулотларга қараганда мустаккам бўлишига; 7) ностандарт муаммоларни кўра оладиган, ўрната оладиган ва ҳал қила оладиган талабанинг фаол ижодий шахсини тарбиялашга мос бўлиши лозим. Она тили таълимида фаол қўлланила бошлаган матн билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда муаммони таълим технологияси муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай матн таҳлилини ўқув топшириқлари орқали муаммони жараёнга айлантириш мумкин. Бунда савол ёки топшириқни тўғри қўйиш кифоя қилади. Бу ўринда муаммони ечиш, олинган натижаларни текшириш, уларни асл фараз билан таққослаш, олинган билим ва кўникмаларни тизимлаштириш ва умумлаштириш босқичлари муҳим ҳисобланади. Муаммони муваффақиятли ўрганиш шартларида ўқув топшириқларнинг иштироки ўзига хос бўлади: — муаммонинг мазмунига қизиқиш уйғотиш учун етарли савол ёки тайёрловчи топшириқлар орқали мотивацияни таъминлаш; — ҳар бир босқичда юзага келадиган муаммолар билан ишлашнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш; — муаммони ҳал қилишда қўйилган вазифа ва саволнинг аҳамияти; — талабалар томонидан билдирилган барча фикр ва фаразларга эътибор ва рағбат билан қаралганда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги диалогик дўстона мулоқотнинг ўрнатилиши. Буларнинг барчаси ўқув топшириқлар мазмунига боғлиқ, ўқув топшириқларининг асосини эса билиш фаолият тури ташкил қилади. Бу борада И.Я.Лернер, Н.М.Скатынларнинг ёндашуви ҳаммага маълум ва машҳурдир. Билиш фаолиятининг тури – ўқитувчи томонидан тақлиф этилган ўқув схемаси бўйича ишлаш орқали талабалар эришадиган билиш фаолиятининг мустакил даражасидир. Бу қуйидаги тасниф

усулларида фарқланади: тушунтириш-иллюстратив (ахборот-рецептив); репродуктив; муаммоли тақдирот; қисман-қидирув (хуаристик); талқиқот. Ахборот-рецептив усулнинг моҳияти қуйидаги хусусиятларда ифодаланади: билим талабаларга «тайёр» шаклда тақлиф этилади; ўқитувчи бу билимларни турли йўللар билан идрок этишни таъмин этади; талабалар билимларни идрок этиш (қабул қилиш) ва тушунишни амалга оширадидилар, уларни хотирасида тузатадидилар. Барча ахборот манбалари (сўз, кўргазма ва бошқалар.) қабул қилишда ишлатилади ва тақдирот мантиғини индуктив ва дедуктив равишда ишлаб чиқиш мумкин. Ўқитувчининг бошқарув фаолияти билимларни идрок қилишни таъмин этиш билан чегараланади. Ўқитувчиларнинг ўз талабаларини билим олишга, фикрлашга ундаш қуроли, уларнинг фаолиятини, ўзлаштирилишини мониторинг қилишда ўлчов бу – ўқув топшириқларидир. Анъанавий она тили таълимида ҳам ўқитишнинг репродуктив методидан фойдаланилади. У қуйидаги хусусиятларга эга: билим талабаларга «тайёр» шаклда тақлиф этилади; ўқитувчи билимларни мулоқот қилибгина қолмай, балки уни баён этади; талабалар билимларни онгли ўзлаштирадидилар, уни тушунадидилар ва эслаб қоладидилар. Ўзлаштиришнинг мезони – билимларни тўғри қўпайтириш; ўзлаштиришнинг зарур кучи билимларни такрорлаш орқали таъминланади. Масалан: Мактаб дарслиғига эътибор қаратамиз 1.6-матн. Синфда луғат дафтарига ёзган сўзларингизни маънолари билан ёд олиш [7:181]. Шу маънода савол ва топшириқлар ҳам ёдлаш, такроран айтиб беришга ихтисослашиб қолади. Муаммоли таълим технологияси эса ижрочиликдан ижодий фаолиятга ўтишни таъминлайди. Бугун Янги Ўзбекистонга ижрочи эмас, ижодий тафаккур соҳиблари керак. Муаммоли таълимнинг маълум бир босқичида талабалар ҳали муаммоларни ўзлари ҳал қила олмайдилар ва шунинг учун ўқитувчи муаммони талқиқ қилиш, унинг ечимини бошидан охиригача белгилаш йўлини кўрсатади. Бу усулдаги талабалар эса иштирокчилар эмас, балки қузатувчи бўлсада, билиб олиш қийинчиликларини ҳал қилишни ўрганадидилар. Она тили таълимида қисман

изланувчанлик таълим методидан ҳам фойдаланилади, унинг моҳияти куйидаги хусусиятларда ифодаланади:

– билим талабаларга «тайёр» шаклда таълим этилмайди, уларни муستакил равишда чиқариш керак;

– ўқитувчи билимларни хабар ёки таълим этишни ташкил этмайди, балки турли воситалар орқали янги билимларни изланади;

– ўқитувчи раҳбарлигида талабалар мустакил мулоҳаза юритадилар, пайдо бўлган билиш муаммоларини ҳал қиладилар, муаммоларни вазиятларни яратадилар ва ҳал қиладилар, таҳлил қиладилар, хулоса чиқарадилар ва натижада мустаккам билим ҳосил қиладилар. Ўқув топшириқлари олий таълим дарслик ва қўлланмаларининг ҳам асосий қисmini ташкил этиши керак. Олий филологик таълимда ўқув топшириқларини тузиш ва улардан фойдаланиш бўйича алоҳида фанлар ташкил этилиши лозим. Мавжуд ўқув предметидаги мавзу ва йўналишидан келиб чиқиб, олий таълимдаги ўқув топшириқларини мазмун жиҳатидан 3 га ажратиш мумкин:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили фани бўйича тузиладиган ўқув топшириқлари.

2. Ўзбек тили фани бўйича ўқув топшириқлари.

3. Ўзбек тили ўқитиш методикаси фани бўйича тузиладиган ўқув топшириқлар.

Бу ўринда филология ва тилларни ўқитиш йўналиши ўқитиладиган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» ва бошқа мутахассислик фанлари мазмуни тилшунослик илми асосларини ўргатиш назарда тутилди. Шу маънода бу борада тузиладиган ўқув топшириқлари талабаларни фикрлашга ундайдиган, бир фикрни иккинчи бир фикр билан таққослаш ва яқиний хулосани айти оладиган нутқий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Мавжуд дарсликлардаги ўқув топшириқлари маълумотларни ёдлаб, кейин яна қайта айтиб беришга мўлжалланган:

Масалан, А.Жамолхоновнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида куйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланилган:

1. Лексикология нима? Ўрганати?
2. Лексика нима?
3. Лексикологиянинг мақсади ва вазифалари қандай маълумот беринг.
4. Лексикологиянинг қандай турлари бор?
5. Лексикология тилшуносликнинг қайси бўлимлари билан алоқада бўлади? Сабаблари? [1;45].

Юқоридаги ўқув топшириқлари орқали талабани ижодий ишлашга ўргатмайди.

Профессор Б.Менглиев муаллифлигида умумтаълим мактаблари учун яратилган дарсликларда ўқитишнинг қисман изланувчанлик ва асосан, тадқиқот (изланувчанлик) методларига таянилган, унинг моҳияти қуйидагича: масалан, «Уйга вазифа» рўқнида машқнинг шартли талабани мустакил шугулланишга ундайди [6;8]. Изланувчанлик қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: – ўқитувчи талабалар билан биргаликда муаммони шакллантиради, унинг ечими аудиторияда дарс мобайнида аниқланади; – билим талабалар билан бўлишишмайди. Талабалар муаммони ўрганиш жараёнида уни мустакил оладилар, олинган жавобларнинг турли версияларини тавқослайдилар. Натижаларга эришиш учун воситалар ҳам талабалар томонидан белгиланади; – ўқитувчининг фаолияти муаммони қал қилиш жараёнини оператив бошқариш; – таълим жараёни юқори интензивлиги билан адралиб туради, ўқитишга қизиқиш ортади ва олинган билимлар чуқур фарқланади. Ўқув топшириқлари олий таълим дарсликларининг ҳам асосий қисмини ташқил қилар экан, дарслик масаласига ҳам қисман тўқталаш лозим. Таълим мазмуни ўқув адабиётларида (дарсликлар, маълумотномалар, қўшимча ўқиниш учун китоблар, атласлар, хариталар, топшириқ ва машқлар тўпламлари, босма асосида дафтларлар ва бошқалар) батафсил баён этилган. Ўқув адабиётларининг асосий тури дарслик – бўлажак мутахассислар учун муқим билим манбаи, ўрганишнинг асосий воситаларидан биридир. Унда ўзатиш назарияси ва методикаси, талаба шахсининг мазъавий моҳияти шаклланишини таъминловчи билим, қўниқма, умумий маданият ва инсон

фаолияти тажрибаси доираси ақс этади. Замоनावий олий таълим дарсликлари барқарор ва мобил бўлиши керак. Барқарорлик талабларига мувофиқ равишда дарслик мустақкам асосга эга бўлиши керак. Мобиллик асосий дизайнни бузмасдан янги билим, кўникмаларни тезда жорий этиш имкониятини беради. Дарсликнинг таркибига матн (турли нутқ услубига доир матнлар-тавсифлар, матнлар-қисса ва матнлар-аргументлар) асосий таркибий қисм ва матндан ташқари ёрдамчи компонентлар (ташкил этиш ва ўзлаштириш тузилмаси) киради. Бу ўринда ўзлаштириш тузилмаси сифатида ўқув топшириқлари катта вазифа бажаради. Дарслик ўқув жараёнида талабаларнинг онгли ва фаол иштирокчини, ўқув материалнинг тўлиқ асосини таъминлаши лозим. Замоनावий дарслик куйидаги дидактик вазифаларни бажаради: -талабаларни мавзуларни ўрганишга даъват этади, иштиёқ уйғотади; -талабага ахборот, маълумотларни тақдим этишнинг, кидириб топишнинг мавжуд усуллари орқали билимларни кенгайтириш имконини беради; -машғулотнинг бориши ва натижаларини текшириш, ўз-ўзини баҳолаш ва коррекциялаш, шунингдек, зарур кўникмаларни ҳосил қилиш учун ўқув топшириқларини бажариш имкониятини ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда замоनावий дарслик паравоз сифатида кўплаб ахборот манбаларини ўзига бирлаштириши, уларни тортиши, бошқариши лозим. Мазкур жараёнда ўқув топшириқлари паравозни ўқув луғатлари, аудио, видео материаллар, машқ ва топшириқлар тўплами, тестлар, кўргазмали воситалар, электрон ресурслар ортилган вагонларга боғлай олиши, улардан фойдаланишда асосий восита бўлиб мизмат қилиши керак. Ўқув топшириқлари олий таълимнинг замоनावий дарс ва дарсликларга мос бўлиши учун улар такомиллаштирилиши керак. Чунки олий таълим тизимининг «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили» дарсликларида кам, савол, машқ ва топшириқлар сифатига, унинг замон талабларига қай даражада мослигига эътибор қаратилмайди. Бу ҳолат ўзбек тилининг талабалар – бўлажак мутахассислар томонидан етарлича ўзлаштирилмай қолишига олиб келаётган сабаблардан биридир. Кузатишлардан маълум бўлдики, малака ҳосил қилувчи, такрорга асосланган машқлар, синаш учун қўлланувчи

топшириклар, фикрлашга ўргатувчи саволлар ўзбек тили фан сифатида шаклланган дастлабки йилларда (1930–1940) чоп этилган дарсликларда ҳам бутун амалда бўлган дарсликларда ҳам учрамайди [1;149]. Умумий машқ атамаси остида оддий топширик характеридаги тавсиялар ўрин олган. Олий таълим тизимида ҳам машқ ва топширик ўзаро фарқланмайди. Талабалар ўз ички муаммолари устида машқ қилмайди. Топшириклар анъанавий шаклда ёдлаб айтиб беришга ихтисослашган. Саволлар фикрлашга ундамайди. Шу ўринда F.Хамроевнинг «машқ», «топширик» ва «савол» атамаларини моҳиятан фарқлаш, уларнинг лингводидактикадаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақидаги мулоҳазаларига эътибор бериш лозим. Методист олим дастлаб, M.Сандовнинг ўқув материаллари сирасида ўқув топширикларини уч турга бўлиб, уларни ўзаро фарқлайди ва кўпинча, ўқитувчилар ўз иш фаолиятлари давомида «машқ», «топширик» ва «масала» тушунчаларини қоритириб юборишларини, педагогика фанлари доктори Аскар Гуломовнинг «машқ ҳам ўқув топширигининг бир шакли, ҳам ўқитишнинг муайян бир усули», деган фикрига қўшилиши ва топширик машқнинг бир бўлаги, у, асосан, машқнинг шартда ўз ифодасини топшини, топширик машққа қараганда торроқ тушунчани ифодалашини таъкидлайди [1;25]. Эътироф этган ҳолда бу борада ўз ёндашувини баён қилади, яъни ўзига қадар ўқув топшириклари бўйича олиб боришган илмий таҳлилларда келинган илмий хулосалардан фарқли ўлароқ, топширик машқ таркибига эмас, аксинча, машқлар топширик таркибига киритилиши, вазифа жиҳатидан савол машққа қараганда каттароқ, кенгроқ тушунча эканлигини асослайди [5;9].

Бизнингча ҳам, топширик машқни ўз ичига олади, топшириклар талабани йўналтиради, синайди; такрорга асосланган машқлар эса кўникма ва малака ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Олий таълим тизимида «Ҳозирги ўзбек адабий тили» «Ўзбек тили» фанларини ўқитишда «Орфография» ва «Орфоэпия» бўлимлари ички малака билан бевосита алоқадор бўлганлиги билан уларни ўқитиш воситалари ҳам бир-бирига ҳамбарчас боғлиқ. F.Хамроев тўғри таъкидлаганидек, *машқ* ва *топширик* атамаларига ўзгача ёндашиш

зарур. Дарслик ва кўлланмаларда кўп учрайдиган «машқ», «топширик» атамалари ўзаро уядошлик ҳосил қилсада, улар орасида синонимик муносабат йўқ. Бироқ кузатишларимиз асосида айта оламизки, узок йиллардан бери амалда бўлган катор дарслик ва кўлланмаларда мазкур икки тушунчанинг берилишида чалкашлик, бирининг ўрнида бошқасининг кўлланилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин: *“333-машқ. Берилган шеърый мисрадаги сўزلарни унли ва ундонига ажратинг.*

Яхши киши кўрмаган ёмонлик ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

«2-топширик. Гапни аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолли бирикмаларга ажратинг» .

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдими, дарсликларда машқ ва топширикларнинг берилиши, мазмуни бир-биридан фарқланмайди. Иккаласида ҳам “*ажратинг*” топшириги берилмоқда. [5;11]. Янги мазмунда яратилган «Ўзбек тили» дарслигида ўқув топширикларига янгича ёндашилган. Унда талабаларга кўпроқ топшириклар берилган. Бунинг яна бир муҳим томони шуки, талабага мустақил бажариш учун аниқ топширик берилади. Амалдаги аксарият дарсликларда мустақил машғулот сифатида саволлар берилади. Уни талаба кеска фурсатда бажариб қўйиши, амалий аҳамиятта эга бўлмаслиги мумкин. 1- топширик: а) матнни ўзинг, матн мазмунини тўлиқ тинглаб тушунинг; б) матндаги таянч сўз ва ибораларни ажратиб ёзинг; д) матндаги асосий фикрни ёзма равишда ифодаланг. 2- топширик. Қуйидаги таянч сўزلарни ёд олинг: Мазмурий (бошқарувга, маъмуриятга алоқадор) — маъмуриятга доир. Маъмурият йўли билан амалга ошириладиган. Маъмурий ҳудуд. Вилоят (чекка жой, ўлка) — мамлакатнинг бир ва ундан ортиқ шахарларини ўз ичига оладиган йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма. Ўзбекистоннинг 12 вилояти. Ҳудуд — маълум чек-чегарага эга бўлган, чегара билан ўралган ер; маълум давлат, вилоятга тегишли бўлган ер, майдон. Ўзбекистон ҳудуди. Сановат (ишлаб чиқариш) — халқ хўжалигининг қомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини казиб олиш, ишлаб чиқариш

воспиталарини ва кенг истеъмол молларини яратиб. Енгил саноат. Озиқ-овқат саноати. Соҳа — инсон фаолияти, илм-фан, маданият ва бошқаларнинг ҳар бир тармоғи. Саноат соҳалари. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари. Маҳсулот — ишлаб чиқаришган нарса. Яппи маҳсулот. Интеллектуал маҳсулот — маънавият, илм-фан, техника соҳасидаги изланишларнинг натижалари, адабиёт ва санъат асарлари мажмуи. Экспорт — [ингл. экспорт < лот. экспортаре — четга (ташки бозорга) чиқармоқ] - сотиш ёки бошқа мақсадларда чет элларга мол ёки капитал чиқариш. Ўзбекистон кўпгина маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятига эга [5;128]. Дарсликнинг ютуғи шундаки, ўқув топшириқлари, ўқув материали талабаларнинг ихтисослик йўналишларига мосланган. Дарсликнинг мазкур қисмида машиқ намуналари берилмаган. Умуман, ҳар бир машғулотда мавзуга алоқадор машиқ, албатта, бўлиши лозим. Энди «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» дарсликлари мазмунига тўхталамиз. Унда ўқув топшириқларидан қандай фойдаланилиши, мазмуни, шакли, таркибини кўриб чиқамиз. Олий ўқув юртларининг бошланғич таълим йўналишлари учун тайёрланган “Она тилини ўқитиш методикаси” дарслиги мазмунида қуйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланилган:

Савол ва топшириқлар 1. Она тилини ўқитиш методикасининг предмети нимадан иборат? 2. Методика фани қандай масалаларни ўрганади? 3. Она тилини ўқитиш методикасининг асосий вазифаларини таърифлаб беринг. 4. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси фанининг асосий бўлимларини айтиб беринг. 5. “Она тилини ўқитиш методикаси” фанининг методологик асосларини изоҳланг. 6. Она тилини ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтиринг. 7. Она тилини ўқитиш методикасининг ўзига хос тамойиллари қайсылар? 8. Уларга тавсиф беринг. Назарий метод нима ва у қандай ҳолларда татбиқ этилади? 9. Эмпирик методи тушунтириб беринг. 10. Эксперимент вазифасига кўра қандай ҳолларда ўтказилади? 11. Она тилини ўқитиш тарихига тавсиф беринг. 12. Бошланғич синфларда она тили машғулотларининг тури ва мазмунини шарҳланг. 13. Бошланғич синфлар она тили давлат таълим

стандарти ва дастурига ўз муносабатингизни билдириб тақриз ёзинг. 14. “Она тили — бошланғич синфларда ўқув предмети” мавзусида маъруза тайёрланг [2;18].

Олий таълим тизимида бошланғич таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳаммаси ҳам методист олим бўлмаслигини инобатга олинса, юқорида келтирилган савол ва топшириқлар мазмуни бироз ўзгариши мумкин. Навбатдаги топшириқ йўналтирувчи характерда бўлиб, талабада мустакил ишлаш орқали сўз бойлигига эга бўлишга ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Она тили таълимига қўйилган энг муҳим талаблардан бири талабаларни ўз фикрларини баён қилиш фаолиятига тайёрлаш [3;23] эканлигини унутмаслик лозим.

2012 йилда нашр этилган мазкур дарсликда талабаларни баҳолаш бўйича ҳам – бўлажак мутамассисларга яқин тавсиялар, баҳолаш мезони сифатида хизмат қилувчи ўқув материал берилган. Ўқув топшириқлари тузишда асосан қуйидаги мезонларга таяниш керак: Тайёрлов синфларнинг таълим мазмуни ва ташкил этиш муддати бир хил бўлсада, лекин бу даврда боланинг нутқий тайёргарлигини ўрганиш учун қуйидагиларни аниқлаш тавсия этилади:

1. Ўқиш кўникмасини аниқлаш. а) сўзни сизларга ўқийди; б) бўғинлаб ўқийди; д) харфлаб ўқийди (нотўғри ўқий); э) анчагина харфларни билади, лекин ўқинишни билмайди; ф) айрим харфларни танийди.

2. Ёзув кўникмаси. а) ҳамма харфни ёзишни билади, сўз ёзади (босма ёки ёзма); б) айрим харфларнигина ёзишни билади (босма ёки ёзма); д) ёзишни умуман билмайди.

3. Товушни таҳлил қилишга тайёргарлиги. а) сўзни бўғинларга бўлмайди; б) сўз ёки бўғиндаги товушни ажратади; д) ҳамма товушни тўғри талаффуз қилади; э) айрим товушларни нотўғри талаффуз қилади (қайси товушлар экани ҳисобга олинади); ф) нутқининг баланд ёки пастлиги, диққатига эътибор қаратилади.

4. Оғзаки боғланишли нутқи. Шеърни ёддан ўқиш. а) 3 та ёки undan ortiq шеърни биллади, уни завқланиб айтади; б) 1—2 та шеърни биллади, айтишга уялади; д) бирорта шеърни ёддан ўқишни билмайди.

5. Оғзаки боғланишли нутқи. Эртақ айтиш. а) бир ёки бир нечта эртақни биллади ва айтиб бера олади; б) эртақни биллади ва уни айтишга ҳаракат қилади, лекин айта олмайди; д) эртақ айтишни билмайди, ўрганишга ҳам ҳаракат қилмайди.

6. Оғзаки боғланишли нутқи. Фикр баён қилиш (“Расмда нималар кўраётганингни айтиб бер”). а) 20 сўздан ортиқ боғланишли ҳикоя, бир неча гап туза олади; б) 10 тадан 20 тагача сўз, бир неча гап туза олади; д) 10 тагача сўз билан боғланишли нутқ тарзида жавоб қайтара олади; э) 3—4 сўз билан қисқа жавоб бера олади [§;18]

Олий таълимда, одатда, муайян ўқув предметиға тегишли дарслик дарс жараёнида ҳам, хатто дарсдан сўнг ҳам талаба ва ўқитувчининг шу ўқув предмети бўйича билим бериш ҳамда маълумот олишнинг асосий воситаси, таянчидир. Шундай экан, асосий диққатни дарсликдаги ўқув материалларининг, хусусан, ўқув топшириқларнинг таркиби, тузилиши ва, албатта, мазмунига қаратиш керак.

Дарслик турли хил кўшмача воситалар – антологиялар, машиқ ва топшириқлар тўпламлари, луғатлар, маълумотномалар, дарсдан ташқари ўқиш учун китоблар, атласлар, тарихий-географик хариталар ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши, тўлдирилиши керак. Замонавий дарсликларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўқув материаллини янада кенгайтирилган режада беради, ўқув топшириқлар орқали энг янги маълумотлар, маълумотнома характеридаги маълумотлар билан кенгайтирилади. Дарслик билан ишлашда талабалар кўшмача адабиётлар ёрдамида таҳлил қилиш, танқид қилиш, тўлдириш, уларни тақдим этиш услуби ва ўрганилаётган матнни ўзгартиришни ўрганадилар.

Хулоса ўрнида ўқув топшириқлари орқали она тилни ўқитишга инновацион ёндашувларни жорий этишга доир ишларни фаоллаштириш; она тил ўқитиш учун илмий, методик, психологик ва

педагогик ёрдам тизимини ривожлантириш ишларни такомиллаштириш, она тили таълимида ўзбек этнолингвистикасининг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш. Амалдаги дастур ва дарсликлар талабаларни она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки талабага она тилимизнинг сон-саноксиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари таъкил этмоғи лозим. Чунки олий таълим тизими мақсади фақат тилшунос тайёрлаш эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган иккуний тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришдир. Талабада нутқий кўникмаларни ривожлантириш, луғат ва матн асосида миллий тилни, миллий мазнавиятни талаба тафаккурига сингдириш, ўз талабасини турли нутқ вазиятларига тайёрлаш, иккуний тафаккур соҳибларини тарбиялаш технологиясини она тили таълимига самарали жорий қилиш асосий масалалардан биридир. Олий таълимда, одатда, муайян ўқув предметиға тегишли дарслик дарс жараёнида ҳам, ҳатто дарсдан сўнг ҳам талаба ва ўқитувчининг шу ўқув предмети бўйича билим бериш ҳамда маълумот олишнинг асосий воситаси, таянчидир. Шундай экан, асосий диққатни дарсликлардаги ўқув материалларининг, хусусан, ўқув топшириқларининг таркиби, тузилиши ва албатта, мазмунига қаратиш керак. Олий таълимда жорий этилаётган янги модуль тизимининг асосий қисми ҳам баҳолаш ва мустақил ишлашга йўналтирувчи ўқув топшириқларидир. Замонавий электрон дарсликлар паравоз каби кўплаб ахборот манбаларини ўзига бирлаштириши, уларни тортиши, бошқариши лозим. Мазкур жараёнда ўқув топшириқлари паравозни ўқув луғатлари, аудио, видео материаллар, машқ ва топшириқлар тўплами, тестлар, кўргазмали воситалар, электрон ресурслар ортилган вагонларға боғлай олиши, улардан фойдаланишда асосий восита бўлиб хизмат қилиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим ҳаётини муаммоларни қандай ҳал қилишни ўргатиши керак. Она тили таълимида ҳар бир машғулот орқали бериладиган савол, топшириқ ва машқлар ҳам худди шундай талаба, бўлажак мутахассиснинг ҳаётини муаммоларини

ечинишга йўналтиришни лозим. Олий таълим тизимида ўзбек тили, она тили ўқитишда, хусусан, ўқув топшириқларни тузишда прагматик ёндашувлардан фойдаланиш самаралидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили: дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи 2014. – 310 б.

2.Сандов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ли дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2000. – 25 б.

3. Турсунов У., Муҳторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили: дарслик. /Олий ўқув юрглари филология факультетлари талабалари учун дарслик қайта ишланган. Тўлдирилган учинчи нашр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 400 б.

4.Қосимова К., Матчонов С.М., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси: дарслик. /Бошланғич таълим факультети талабалари учун дарслик. — Тошкент: Нопир, — 2009. – 287 б.

5.Қодиров М., Неъматов Х, Менглиев Б. Ва бошқ. Она тили: дарслик. //8-синфлар учун дарслик. – Тошкент: Чўлпон, 2019. – 310 б.

6. Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 320 б.

7.Хусанов Н., Хўжакулова Р., Дилмуродова Н. Ўзбек тили: дарслик //Иқтисодиёт олий ўқув юрглариининг бакалавр босқичи умумий гуруҳ талабалари учун. — Тошкент: Тошкент молия институти, 2019. — 528 б.

8.Ҳамроев Ғ. Она тили ўқитишнинг самарали усуллари: ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: Баёз, 2018. – 180 б.